


Ўзаро ҳамкорликнинг янги истиқболлари



Ўзбекистон ва Сингапурнинг дипломатик алоқалари узоқ тарихга бориб тақалмаса-да, самарадорлиги нуқтаи назаридан алоҳида ажралиб туради.

Ўзбекистон мустақилликка эришганидан кейин Осиё-Тинч океани минтақасидаги ривожланаётган мамлакатлар, жумладан, Сингапур Республикаси билан дўстона алоқаларга киришди. Сингапур мамлакатимиз мустақиллигини 1992-йилда тан

олган, 1997-йил 8-апрелдан дипломатик алоқалар ўрнатилган.

2017-йилга келиб Ўзбекистон ва Сингапур ўртасидаги дипломатик ва иқтисодий алоқалар ривожини янги босқичга кўтарилди. Бунинг мантикий давоми сифатида шу йилнинг 10-январ куни Сингапурда "Ўзбекистон ва Сингапур: ўзаро манфаатли шериклик истиқболлари" мавзуида давра суҳбати бўлиб ўтганлигини таъкидлаб ўтишимиз мумкин.

Тадбирда Сингапур ва Ўзбекистон муносабатларининг жорий ҳолати, алоқаларни янада ривожлантириш истиқболлари ва манфаатли ҳамкорлик йўналишлари муҳокама этилди.

Ўрнатилган ишончли муносабатлар тўғрисида барча йўналишдаги ўзаро муносабатлар динамикаси барқарор ўсиб бораётганлигини кўришимиз мумкин.

Бугунги кунда Сингапур Жанубий-шарқий Осиё минтақасининг ҳар жиҳатдан энг ривожланган мамлакат ҳисобланади. Шу билан бирга, дунёнинг энг йирик молия марказларидан бири ҳам ҳисобланади.

Сингапур томони икки мамлакат ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш истиқболларига ҳам алоҳида эътибор қаратилмоқда. "Яшил" энергетика, кенг тарқалган инновациялар, иқтисодиёт тармоқларини рақамлаштириш ва энергия тежайдиган технологиялар каби соҳалардаги ҳамкорликка катта қизиқиш билдирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг шу йил 17-январ куни амалга оширилган Сингапурга давлат ташрифидан кўзланган мақсад ҳам мазкур мамлакат билан алоқаларни янги босқичга кўтаришга қаратилгандир. Ва айтиш жоизки, ушбу тарихий ташриф чоғида муҳим амалий натижаларга эришилди.

Давлатимиз раҳбари ташриф чоғида ушбу мамлакат Президенти Ҳалима Якуб ва Бош вазир Ли Сян Лун билан музокаралар ўтказди. Музокаралар жараёнида томонлар мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатларни янада чуқурлаштириш истиқболлари, ижтимоий-сиёсий ҳаётни демократлаштириш борасидаги ислохотлар юзасидан фикр алмашилди.

Таълим соҳасида фаол ҳамкорлик қилинаётгани мамнуният билан қайд этилди. Тошкентда Сингапур менежментни ривожлантириш институти ҳамда Сингапур технологиялар, менежмент ва коммуникациялар академияси муваффақиятли фаолият юритмоқда.

Ташриф чоғида делегациялар раҳбарлари ҳузурида икки мамлакат ҳукуматлари, вазирлик ва идоралари даражасида Ўзбекистон – Сингапур ҳамкорлигини янада кенгайтиришга қаратилган 8 та ҳужжат алмашилди.

Хусусан, таълим, транспорт, соғлиқни сақлаш, кадрлар, шу жумладан, давлат хизматчиларини тайёрлаш соҳаларида ҳамкорлик тўғрисида битимлар имзоланди. Шунингдек, савдо-иқтисодий шериклик ва икки мамлакат прокуратуралари ўртасидаги ҳамкорлик бўйича келишувларга эришилди.

Ўзбекистон Президенти куннинг иккинчи ярмида Сингапур ишбилармон

доиралари билан учрашув ўтказди.

Тадбирда Сингапур меҳнат вазири – савдо ва саноат иккинчи вазири Ленг Си Танг, Сингапур бизнес федератсияси раиси Минг Ян Лим, ушбу давлатнинг Индорама, Меинхардт групп, СПГ Сорпоратион, Чанги Аирпортс, Сингапур менежментни ривожлантириш институти, ТМС Асадемай, Виртус Ҳеалтх каби 15 та йирик компаниялар раҳбарлари иштирок этди.

Мазкур учрашув конструктив амалий натижалар руҳида ташкил этилди.

Музокаралар якунида Ўзбекистон – Сингапур бизнес форуми натижалари мамнуният билан қайд этилди. Зеро, униг доирасида умумий қиймати қарийб 5 миллиард долларлик инвестиция, савдо ва молиявий келишувларга эришилди.

Хулоса ўрнида айтганда, икки давлат раҳбарларининг мазкур учрашуви Ўзбекистоннинг ташқи дунё билан мулоқотидаги яна бир улкан ютуқ ҳисобланади. Ва мазкур ташриф ўзбек дипломатиясининг Жанубий Осиё минтақасига янги истиқболли йўналиш сифатида қараётганлигини англатади.

**Абдуғани САНГИНОВ,
Олий Мажлис Сенати аъзоси.**